

Дўстига нотўғри маслаҳат беришнинг гуноҳи

05:00 / 03.03.2017 3732

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким мен айтмаган нарсани мени айтган деб айтса, дўзахдаги ўрнига тайёрланаверсин.

Кимга бир мусулмон биродари маслаҳат сўраб келса-ю, у нотўғри маслаҳат берса, батаҳқиқ унга хиёнат қилган бўлади.

Ким аниқ билмай туриб нотўғри фатво берса, гуноҳи ўша фатво берган одамга бўлади», дедилар».

Шарҳ: Аллоҳ сақласин, ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаган гапни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган деса, дўзахи бўлиши аниқ экан. Бу ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак бўлган нарса.

Шунинг учун ҳам ҳар бир нарсани ҳадис деб гапиравермаслик керак. Ким ривоят қилганини билса, аниқ, сўзма-сўз билса, қайси имом чиқарганлигини билсагина айтиш мумкин. Бўлмаса, ҳадисда бор экан, ҳадисда келган экан, мана бу ҳам ҳадис экан, деявериш мутлақо мумкин эмас.

«Ҳадис ва ҳаёт» силсиламизнинг бошида ҳам катта уламоларнинг: «Кимки, рухсат олмай, ровийларини билмай туриб, ҳадис айтса, ётқизиб, уриб, орқасини қонатиш керак» деганлари ёзилган.

Бунинг ҳикматини ҳозирги кунимизда яққол намоён бўлиб турибди – одамлар ўртасида ихтилоф чиқиб, жамиятни ташвишга солган нарса айнан шариатда йўқ нарсаларни шариатдан деб гапирадиганларнинг кўплиги бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаган гапларни айтди, дейиш жуда оғир гуноҳдир.

Ҳадис илмининг ўз одоблари бор. Ҳадисни ривоят қилаётган одам ровийларни яхши билиши керак, имомлардан қайсилари бу ҳадисни ўз китобларида келтирганлигини яхши билиши керак, ҳадиснинг маъносини яхши билиши керак ва ҳоказо.

Бизда эса афсуски, ундай бўлмади. Ҳадис деб туриб, на ровийнинг, на ривоят қилган имомнинг исми бор, на қайси бобда келганлиги бор – ёзиб ташланаверди.

Бу ҳадис илмига алоқаси йўқ одамларнинг улуғ ишга аралашганларининг оқибатидир. Мана энди дуч келган гапни шариатда бор экан, ҳадис экан

деб айтавериш одат бўлиб кетди.

Шахсан ўзимга ҳам ана шундай гаплардан бири айтилди. Бир киши катта бир жамоат ўртасида микрофондан туриб: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мажлисининг бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам Қуръон ўқинглар, деганлар» деяпти.

Бундай мисоллар жуда кўпайиб кетган. Шунинг учун бундай гуноҳлардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак.

Биродарига қасддан нотўғри маслаҳат бериш ҳам хиёнат экан. Хиёнатнинг қанчалик оғир гуноҳлигини биламиз.

Нотўғри фатво бериш ҳам оғир гуноҳлардан бири. Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фатво беришга журъатлироғингиз жаҳаннамга тушишга журъатлироғингиздир», деганлар.

Бу ҳам жуда оғир нарса. Охирига етмай, собит бўлмай туриб, тагига етмай туриб нотўғри фатво бериш жаҳаннамга етаклайдиган катта гуноҳдир.

Ҳадисда айтилганидек, кимки бу нотўғри фатвога амал қилса, унга узр бор, чунки у киши билмаганлиги учун бошқалардан сўраган, сўнг эшитганига шариатнинг ҳукми, деб амал қилиб кетаверган. Бунинг гуноҳи ўша нотўғри фатво берганга бўлар экан.

Аллоҳ сақласин, бу ҳолат ҳам бугунги кунимизда жуда кўпайган. Оғзига келган гапни айтиб, фатво бериб юборилаверади. Бундан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак.